



**Жиноят ишлари бўйича Ширин
шаҳар судининг тергов судьяси
Р.Корабаев**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 10 июндаги “Тезкор-қидирув ҳамда тергов фаолиятида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони билан жорий йилнинг 1 январидан Республиканинг барча жиноят ишлари бўйича туман, шаҳар судларида тергов судьялари фаолият юритиши белгиланди.

Ўзбекистон Республикасининг 2025 йил 28 январдаги “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтиришга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-1022 сонли Қонуни билан тергов судьяларига қўйидагича ваколатларига қамоққа олиш ёки уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш, уларнинг муддатини узайтириш, ушлаб туриш муддатини 48 соатгача узайтириш, паспортнинг (ҳаракатланиш ҳужжатининг) амал қилишини тўхтатиб туриш, айбланувчини лавозимидан четлаштириш, шахсни тиббий муассасага жойлаштириш, айбланувчининг тиббий муассасада бўлиши муддатини узайтириш, мурдани эксгумация қилиш, почта-телеграф жўнатмаларини хатлаш, прокурорнинг гувоҳ ва жабрланувчининг (фуқаровий даъвогарнинг) кўрсатувларини олдиндан мустаҳкамлаш, тинтув ўтказиш, телефонлар ва бошқа телекоммуникация қурилмалари орқали олиб бориладиган сўзлашувларни эшитиб туриш, улар орқали узатиладиган ахборотни олиш, мол-мулкни хатлаш тўғрисидаги илтимосномаларни кўриб чиқиш киради.

Таъкидлаш жоизки тергов судьялари институти – шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг янги босқичи ва одил судловни амалга оширишда янги қадам сифатида қаралади.

Шу ўринда тергов судьяси институтининг шаклланиш тарихига эътибор қаратиш орқали унинг ваколат доирасидан келиб чиққан ҳолда қандай шакллари мавжудлигини аниқлаш мумкин.

Тергов судьяси институтининг тарихига назар ташласак, бу институт Ғарбий Европа давлатларида пайдо бўлиб, давлат ва жамият ҳаётида ўз ўрнини





топган ва бугунги кунда Бельгия, Греция, Ироқ, Испания, Нидерландия ва Хорватия давлатларида тергов судьялари ўз фаолиятини муваффақиятли амалга ошириб келмоқда.

Тергов судьяси институтининг шаклланиш тарихи ўрганиш шуни кўрсатадики, яъни жиноят иши доирасида шахснинг моддий ва процесул ҳуқуқларини таъминлашда тарафларнинг суд орқали тортишув принципнинг мавжудлиги ва далиллар мақбуллиги суд томонидан ҳал этилишида кўринади.

Бугунги куни дунё давлатларида шаклланган тергов судьяси институтини унинг ваколатларидан келиб чиқиб, шартли равишда иккига бўлиш мумкин.

Биринчи гуруҳга, тергов судьясининг шартли равишда тергов устида тўлиқ назорат олиб бориши, бунда шахс тергов органи мансабдор шахснинг ҳар қандай қарори устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи мавжудлиги ва ўтказилган тергов ҳаракатларида тергов судьясининг иштирокидир.

Мисол учун, Германия Федератив Республикаси жиноят процессида суд терговчиси (туман судья-терговчисига) ҳам иштирок этади. Унинг иштироки далилларни қонун талаблари асосида тўпланишини таъминлаш, жиноят иши бўйича энг муҳим қарорлар қабул қилиш билан боғлиқ.

Иккинчи гуруҳга, тергов судьяси тергов ҳаракатларида иштирок этмасдан, фақат шахснинг шахсий ҳуқуқ ва эркинликларини чекловчи, яъни “Қамоққа олиш” тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллашдан, “Лавозимидан четлаштириш” каби мажбурлов чораларигача, шунингдек, шахснинг “Телефон ва бошқа сўзлашувларни эшитиб туриш”, “Тинтув” ва шу кубини бошқа процессуал ҳаракатлари суднинг розилиги билан унинг ажримида асосан амалга оширилишида кўринади.

Тергов судьяси институти жорий этган давлатларни бир гуруҳда муқим қолиши албатта савол остида қолади, чунки бу шу давлатнинг суд-ҳуқуқ ислохотларининг натижаси ва давомчилигига бевосита боғлиқдир.

Мамлакатимизда тергов судьяси институтининг шаклланиши ва унга берилган ваколатлар доирасидан келиб қаралса бу иккинчи гуруҳга киришимизни аниқлатади.

Шу ўринда айрим хорижий давлатларнинг жиноят процессуал қонунларида тергов судьяларига бериладиган ваколатларни ўрганиб чиқиб, ушбу ваколатларни йилдан йилга кенгайтириб бораётганлиги ушбу институтнинг ижобий натижа бераётганлигидан далолат беришини инобатга олишимиз лозим.

Юқоридагилардан келиб чиқиб қаралса, мамлакатимизда амалга оширилаётган бу каби ислохотлардан кўзланган асосий мақсад, шахснинг ҳуқуқ





Acumen: International Journal of
Multidisciplinary Research

ISSN: 3060-4745 IF(Impact Factor)10.41 / 2024

Volume 2, Issue 5

ва эркинликларини ҳар қандай ноқонуний, асоссиз ва самарасиз чекланишини олдини олишга қаратилган деб, баралла айтиш мумкин.

